



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 2 июль, № 127 (5801)

Сешанба

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Яқин вақтгача Фаргона-азот" очик акциядорлик жамияти учун зарур бўлган бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг аксарияти четдан олиб келинади.

Корхонанинг моҳир ёшлари

Корхона қошида механика-таъмирлаш цехи ишга туширилиши билан бу муаммо ўз ечимини топди.

Айни пайтда жамиятнинг ёрдамчи цехида 170 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилапти. Уларнинг 18 нафари яқинда Фаргона шаҳридаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир. — Ана шу йигит-қизларнинг аксарияти корхонамизда амалиёт ўтаган, — дейди цех бошлиги Аҳмаджон Маҳмудов. — Биз уларнинг касб сирларини пухта эгаллашлари учун алоҳида шароит ва имконият яратиб берган эдик. Бунинг самарасидан энди ўзимиз баҳраманд бўлаемиз. Улар ҳозир илгор дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариб, кўплаб турдаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар тайёрлашмоқда.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пахтакор туманидаги «Шавкат Ақобир Бизнес» масъулияти чекланган жамияти томонидан қолипчи нон ҳамда 10 турга яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Инвестиция ва самарадорлик

— Тадбиркорликни бошлаганимизга ўн йилдан ошди, — дейди жамият раҳбари Аширбек Хосилов. — Яқинда фаолиятимизни кенгайтириб, ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 100 миллион сўмлик молиявий қўмағида замонавий ва тежамкор технологияга асосланган, ҳар ойда 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга қайта ишлаш корхонасини ишга туширдик. Натияжада ишчиларимиз сони икки баробарга ортди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида туманда 70 дан зиёд лойиҳаларнинг амалга оширилиши учун 4,7 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Пировавда 300 га яқин кишининг бандлиги таъминланди.

Улугбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бўз туманида 2013 — 2015 йилларда 36 та манзилли лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Совғабоп гиламлар

Шунга мувофиқ, айни пайтгача бир қатор кичик бизнес субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Тумандаги «Тешабоева Тўхтагон» корхонаси ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Яқинда бу ерда совғабоп гиламлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Бозор талабларидан келиб чиқиб, 10 та тўқув дастгоҳи келтиридик, — дейди корхона раҳбари Тўхтагон Тешабоева. — Ўн нафар тўқувчимиз олти нафар коллеж битирувчисини ёнига олиб иш бошлади. Дастлабки маҳсулотларимиз харидорларга манзур бўлди. Шунинг билан бирга, келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини икки баробар ошириш ҳамда яна 30 кишининг бандлигини таъминлашни мақсад қилганимиз.

Умуман, туманда жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган шу каби лойиҳалар шарофати билан 500 га яқин иш ўринлари яратилди.

Одилжон ШОДИНОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Амалий санъат жозибаси



Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони миллий кадриятларимиз соҳиби хунарларини янгича ишлашга, бетақдор санъат асарларини яратишга илҳомлантирди, ғайратларига ғайрат қўшди.

ИФТИХОР

Шоҳмурот ШАРАПОВ олган сурат.

Уста хунарманд Масъуджон Мадалиев ана шундай қадимий хунарларнинг ноёб тури — қандакорликни ардоқлаб келаётган юртдошларимиздан бири. У ясаган офтоба, лаган, чойдиди, манқалдон каби буюмлар юртимизда, шунингдек, Швейцария, Германия, Франция, АҚШ, Малайзия каби хорижий давлатларда ташкил этил-

ган халқаро кўргазма ва фестивалларда ўз эътирофини, муносиб баҳосини топиб келаяпти. Унинг чекма, чокма, ўйма каби услубларда ишланган ижод намуналари жаҳоннинг бир қатор музейларида намойиш этилаётгани ҳам бежиз эмас.

— Бугунги кунда «Устазода» халқ амалий санъати маҳсулот-

лари ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилаемиз, — дейди хунарманд. — Айни пайтда ўнлаб ёшларга қандакорлик санъати сирларидан сабоқ бераман. Фарзандларим — Фаррух, Шоҳрух ва Улугбек ҳам бу эзгу юмшуда яқин кўмакчиларим. Ясаётган буюмларимиз дунё кезмоқда.

(Давоми 2-бетда).

УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етуқ, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарит-шароитни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлоднинг тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Ниманики ўз олдимишга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан,

ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуи муҳимдир».

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб, бу мақсадга эришиб бўлмасди. Айнан шундай эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун давлатимизда ёшларимизнинг истиқболли таъминлайдиган барча ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди, муҳим қонунлар қабул қилинди, давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида

кўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуқсиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Таъкидлаш керакки, таълим тизимини ислоҳ қилиниши билан бирга, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида республикада 1549 та замонавий таълим муассасалари, шундан 1406 та касб-хунар коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилмоқда

Шу йилнинг 1 июлидан интернетдаги www.ty.gov.uz манзилида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) синов режимда ишга туширилди. Ана шу муносабат билан пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида матбуот анжумани ташкил этилди.

ЯНГИЛИК

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан уюштирилган тадбирда қайд этилганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тамойили «Электрон ҳукумат» концепциясининг муҳим методологик таркиби

ҳисобланади. Маълумки, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маълумотларига асосан «Электрон ҳукумат» тизимини, шу жум-

(Давоми 2-бетда).

Заковатли ва иқтидорли ёшлар

Шаҳрисабз туманида ташкил қилинган ўқув оромгоҳидаги машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар

Пухта билим, ноёб истеъод ва кенг тафаккур соҳиби бўлиш астойдил ўқиб-изланаётган умидли ёшларимизнинг эзгу орзу-мақсадлари сирасандандир.

Зотан, келажак сари дадил интилайдиган навқирон авлод вакиллари бугун илм-фан, касб-хунар сирларини ўрганиш, санъат, спорт сингари йўналишларда йи-

рик натижа ва ютуқларга эга бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ана шундай ўғил-қизларга муносиб эътибор

ТАШАББУС

кўрсатиш эса юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Таълим тизимини янада ривожлантириш бо-

расида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, жойларда бунёд этилган ва этилаётган замонавий ўқув масканлари, қолаверса, ёшларимизнинг иқтидор ҳамда қобилиятини юзага чиқариш учун яратиб берилаётган беқиёс имкониятлар ушбу фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 4-бетда).

2 ИЮЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилаётгани билан алоҳида қадри ва аҳамиятлидир. Эл-юртга наф келтириш, саломатликни асраш, таълимдаги ислохотлар, умуман, ҳар бир соҳа ва тизимдаги янгиланишлар давлатимиз раҳбарининг «Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» деган эзгу ғояси асосида ҳаётга татбиқ этилаётгани билан улғувдордир.



Мустақиллигимиз, ёрқин истиқболимиз ТИМСОЛИ

Бу эса шу азиз Ватанимизда яшаётган ҳар бир кишини ғурурлантиради, уни ишонч ва юксак марраларни забт этиш умиди билан яшашига ундайди. Шунинг учун булса керак, ҳар бир юртдошимиз бугунги дориламон кунлар, тинч ва осуда турмушимиз мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат маҳсули эканлигини тегинанглайди ва рўй бераётган беқиёс ўзгаришларга дахлдорлик ҳамда масъулият туйғуси билан қарайди.

Бинобарин, юртининг омонлиги, фарзандларини саодати йўлидаги ислохотлар ҳамда Ватан тимсоллари миллий ғуруримизни юксалтириш, она-диёримизга нисбатан муҳаббат ва садоқатимизни кучайтириш, порлоқ келажагимизни бунёд этишга бўлган ғайрат-шижоатимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, бугун инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида муҳофаза этадиган Конституциямизга, дунёнинг барча ҳудудларидаги элчи-хоналаримиз пештоқида юксак ҳилпираётган байроғимизга, давлат идоралари, олий ўқув юрталари ва бошқа ишноотларнинг олд томонига

ўрнатилган, қонун ҳужжатлари асосида ташкилотларнинг муҳрлари ҳамда ҳужжат бланкаларига тасвири туширилган гербимизга, халқаро спорт ареналари узра юртдошларимиз галабаси шарафига баралла янграйдиган мадҳиямизга эгамиз. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одат ва аънавлари, орзу-умидлари, эзгу мақсадлари муҷассам. Давлат рамзлари ҳар биримиз учун тақдиримиз, бахтимиз қафолати, эркин ва обод Ватанимизнинг муқаддас тимсоли сифатида, айниқса, эъозлидир.

Биласиз, 1992 йилнинг 2 июлида «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, гербимиз тасвири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, давлат қўмиталари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари ҳамда консуллик муассасалари пештоқида ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда).

ҒУРУР

Бу йил Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомаласига киритилганига 19 йил тўлди.

Иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам кафолати

Маълумки, сўм Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомаласига киритиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, 1994 йил 1 июлдан мамлакатимиз ҳудудида ягона чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида муомаласига киритилган эди.

Дарҳақиқат, ўз тараққиёт йўлини танлаган мамлакат мустақиллигини белгилловчи омилларнинг энг асосийларидан бири, бу — миллий валютадир. Ўз пул бирлигимизга эга бўлиш Ўзбекистоннинг пул-кредит тизимини яратиш йўлидаги самарали ва муҳим қадам бўлди, мустақиллигининг иқтисодий асосини яратди, тарихимиз ва келажагимизни белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда).

Европа
Иттифоқининг
янги аъзоси



Хорватия кеча расмий равишда Европа Иттифоқининг 28-аъзосига айланган.

Хорват тили ташкилотнинг йигирма тўртинчи расмий тили сифатида қайд этилди.

Ушбу воқеани Хорватия аҳолиси байрамона руҳда нишонлади. Хусусан, Загреб марказий майдонида 20 мингта яқин киши тўпланган.

Хорватия ЕИга кириш ҳақидаги битимни 2011 йилнинг декабрида имзолаган эди. 2012 йилнинг январидан ушбу масала юзасидан ўтказилган референдумда мамлакат аҳолисининг асосий қисми ўз хайрихолигини билдирган.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Куба ҳукумати Гаванадаги мактабларда ўтказилган математика фанидан битирув имтихонларининг жавобларини бекор қилди.

Имтихонлар қайта ўтказилади

Бунга синов қалитлари оммавий равишда тарқатиб юборилганлиги сабаб бўлди. Яъни кўпчилик ота-оналар фарзандлари учун жавобларни сотиб олиб бергани аниқланган.

Жавоблар тайёрлов курсларининг икки нафар ўқитувчиси томонидан сотилган. Ҳозир улар қўлга олинган ва бу иш юзасидан текширув ишлари бошланган.

Энди битирувчилар ушбу фандан имтихонларни такроран топширишларига тўғри келади.

«Тилсиз ёв» талафоти

АҚШнинг Аризона штатида юз берган йирик ўрмон ёнғини сабабли Ярнелл шахрида 250 та тураржой биносига жиддий зарар етди.



Бундан ташқари, «тилсиз ёв»га қарши кураш вақтида 25 нафар ўт ўчирувчи ҳалок бўлган. Йигирма икки нафари эса тан жароҳати олган. Улардан саккиз нафари аҳоли оғир. Мазкур ҳодиса туфайли эликта тураржойда яшовчи аҳоли эвакуация қилинган.

Ёнғин эътиборсизлик оқибатида келиб чиққанлиги хусусида хабар берилган.



Рақобатга дош беролмади

«Yahoo!» компанияси ўзига қарашли бўлган «AltaVista» қидирув тизимини фаолиятини шу йилнинг саккизинчи июль санасидан бошлаб тўхтатади.

Эндиликда фойдаланувчиларга «Yahoo! Search» хизматидаги ўтиш тавсия этилмади.

Бу компаниянинг ушбу фаолият турини ёпиш тўғрисидаги илк расмий ахборотдир. Негаки, 2010 йилда ҳам ушбу қидирув хизмати фаолиятини тўхтатилиши ҳақида гап-сўзлар тарқатилган эди.

Бундан ташқари, «Yahoo!» маъмурияти «RSS Alert», «Neighbours» ва «FoxyTunes» каби хизматлар ҳам ишла-тилмаслигини маълум қилди.

«AltaVista»га 1995 йилда асос солинган эди. 2000 йилнинг бошида энг оммавий қидирув хизмати айланган ушбу портал кейинчалик «Google» билан рақобатлаша олмай қолди.



Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тошқин оқибати

Хитой марказидаги Хунань музофотида сув тошқини юз берди.

Шу боис бу ерда истиқомат қилувчи беш минг нафардан ортиқ одам хавфсиз жойларга кўчирилган. Табиий офат оқибатида 173 та аҳоли пунктига зарар етган.

Маълумотларга кўра, сув тошқинлари туфайли ирригация иншоотлари, транспорт инфратузилмаси ва энергия таъминоти тизимига ҳам зиён етган.

Тошқиннинг келиб чиқишига ўтган душанба кундан бери тинимсиз ёғаётган ёмғир сабаб бўлганлиги айтилган. Айни пайтга келиб музофотнинг айрим туманларида ёнғингарчилик миқдори 250 миллиметрдан ошиб кетган.

Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 1, 8, 15, 22, 29 август ва 5 сентябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги ҳужалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳужалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳужалик жамиятининг		Савдога қўйилган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		сўм	АҚШ доллари
1.	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шохроҳ кўчаси, 53-уй	Жамият уставидан халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблағларни меҳмонхоналарни, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, кимматли қоғозлар бозорида), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100%	31 894 709 000,0	15 637 727,50
2.	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй	Жамият уставидан халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблағларни меҳмонхоналарни, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; вакиллик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан, кимматли қоғозлар бозорида), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; жамият белгиланган тартибда қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100%	21 768 229 000,0	10 672 793,19
3.	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй	Жамият уставидан металл бўлмаган центрифуга труба GFKларни ишлаб чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқари ҳудудларда сотиш орқали даромад қуришдан иборат ҳамда бошқа фаолиятини амалга ошириш белгиланган	100%	45 667 987 938,37	22 390 658,92
4.	«FRESCO» МЧЖ	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, Орзу кўргони	Жамият уставидан қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларидан шарбатлар, консервантлар ва бошқа турдаги шербат маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда уларни сотиш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100%	3 796 800 000,0	1 861 541,48

Очик аукцион шартлари

Очик аукцион қолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунда пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хоризий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзбекистон» банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очик аукцион савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш эстагидидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортдан нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш эстагидидаги талабгорлар томонидан савдога қўйилган «REGISTON PLAZA» МЧЖ, «XORAZM PALACE» МЧЖ ва «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ улушлари бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридан, «FRESCO» МЧЖ улуши бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пули «Toskent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш эстагидида талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очик аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:
Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй, телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.
Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru
Гувоҳнома № 005357.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**
Тошкент вилояти бўлими

2013 йил — Обод турмуш йили муносабати билан юртимиз аҳолиси фаровонлигини ошириш мақсадида қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада

Т/р	Омонат тури	Омонат муддати	Омонат шартлари
1.	«Шинам»	5 ой	Фоиз тўловлари ҳар ой тўланади
2.	«Тарона»	4 ой	Фоиз тўловлари ҳар ой тўланади
3.	«Талаба»	9 ой	Фоиз тўловлари ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг ўқув юртига таълим тўлови учун ўтказиб берилади
4.	«Хазина»	5 ой	Фоиз тўловлари ҳар ой тўланади
5.	«Кафолат»	3 ой	Хисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг автотранспорт воситалари, мулк ва бошқаларнинг суғурта тўлови учун ўтказиб берилади
6.	«Кўпайсин»	12 ой	Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан сўнг тўланади
7.	«Шодиёна»	3—6 ой	Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан сўнг тўланади
8.	«Фаровон»	12 ой	Фоиз тўловлари ҳар чоракда тўланади

Хорижий валютада

Т/р	Омонат тури	Омонат муддати	Омонат шартлари
1.	«Тараққиёт»	12 ой	(АҚШ долларида) Фоиз тўловлари ҳар чоракда сўмда ёки АҚШ долларида тўланади
2.	«Фароғат»	3 ой	(АҚШ долларида) Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан сўнг сўмда ёки АҚШ долларида тўланади
3.	«Файзли»	6 ой	(АҚШ долларида) Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан сўнг сўмда ёки АҚШ долларида тўланади
4.	«Ёғду»	24 ой	(АҚШ долларида) Фоиз тўловлари ҳар ой сўмда тўланади
5.	«Тухфа»	12 ой	(АҚШ долларида) Фоиз тўловлари ҳар чоракда сўмда тўланади
6.	«Орзу»	5 ой	(еврода) Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан сўнг сўмда ёки еврода тўланади

Фоиз тўловлари операция амалга ошириш кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ҳисобланади.
Қўйилган омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй. Телефонлар: (8-371) 252-77-20, 252-77-13.

**«Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АКга қарашли
«Neftgazqazibchiqarish-Injining» унитар шўъба корхонаси**

2013 йилги молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.
Ўз тижорат таклифларингизни 2013 йил 20 июлгача қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:
Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 66-уй,
«Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АК, маъмурий бино, 2-қават, 212-хона.
Маълумот учун тел./факс: (+99871) 235-35-97, 235-45-82.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.
(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.
Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.
Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ

қуйидагиларни етказиб беради:

- гўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайфган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- бог ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган селяка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғуровчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг,
- дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

Тел.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

EKF electrotechnica
www.elektrotovar.uz

ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силловые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контакторы (контакторы, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока)
- и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъёмы силовые)
- Корпуса электропитания и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервопривода)

ОПТОМ И В РОЗНИЦУ
Тел. (99871) 150-18-81. Факс (99871) 216-77-74. E-mail: marketing@megaelectro.uz

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ
GidroSpetsKrov.ru
наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:
ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе.
Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.
Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Республика шойинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси Сурхондарё филиали директори, профессор Қувондиқ Мадартовга волидаи мухтарамаси **Ойсара МАДАРТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.
«Ўзгужисавдоинвест» уюмисини раҳбарияти ва жамоаси «Анджонгўшт-сутсавдо» МЧЖ раиси Шарофиддин Абдусаттаровага падари бузрукчоси
Шоҳобиддин **АБДУСАТТАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.



ТЕТИС МАКОНИДАГИ НОЁБ ҚАТЛАМ

Қашқадарё нафақат табиатининг ранг-баранглиги, балки худудининг географик ўрни, ривожланиш тарихи ва рельефининг хилма-хиллиги билан ҳам бошқа вилоятлардан тубдан ажралиб туради. Мамлакатимизда ягона бўлган "Китоб" давлат геологик қўриқхонаси бунинг ёрқин исботидир.

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

тида эътироф этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур худуд қадимда Тетис уммонининг туби бўлган. Шу маънода, у юз миллионлаб йил давомида сув ҳайвонлари ва ўсимлик-

ларига "бошпана" бўлиб келган. Айниқса, игнатанлилар, трилобитлар, маржонлар, брахиопода каби ҳайвон турлари кенг тарқалган. Бу даврда қуруқлик кам бўлганлиги учун ҳам, улар сув остида ривожланган, дейилади "Қуйи девон даври карбонатли ва кластик кесмаларининг глобал корреляцияси" лойиҳаси бўйича олиб борилган илмий экспедиция тадқиқотларида.

Бугунги кунда миллион йиллар аввал яшаган тирик организмлар қолдиқларининг тош қотган қатламлари сирини ўрганиш дунё олимлари диққат-эътиборидаги масала ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қўриқхона соҳа ахли-

нинг энг сеvimли маконига айланган, десак, айтиш мумкин бўлган. Бу ерда катта илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган табиат ёдгорликларини асраб-авайлаш билан бирга, мунтазам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Масалан, 2008 йилда палеозой эрасида табиий қолдиқларини ўрганишга бағишлаб ўтказилган халқаро экспедиция натижасида жонли мавжудотлар денгиз қуриши оқибатида тупроқ остида қолиб кетганлиги аниқланди.

Хозирги кунда қўриқхонадаги сойликларда Ер юзасига чиқиб қолган палеозой эрасининг ордовик, силур, девон ва қуйи карбон даври ётқиқлари илмий асосда чуқур ўрганилапти. Хусусан, қўриқхонанинг Зилзилбон кесими дунё миқёсидаги стратиграфик эталон, яъни халқаро андоза сифатида қабул қилинган бизда гурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

гайиб бораётганининг боиси ҳам шунда.

Айни пайтда бу ерда 2 та лойиҳа асосида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Тоғ қатламларининг узилишсиз Ер юзига чиққанлиги, худуднинг ўрганиш учун қулайлиги, қадимги ҳайвон қолдиқларининг кўплиги ва хилма-хиллиги бу жараёнда қўл келаяпти. Пировардида ётқиқларнинг ёшени, тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш ҳолатини аниқлаш, уларни таққослаш, манзилларнинг геологик тузилишини асослаш нисбатан осон кечаётир.

Олимларнинг таъкидлашича, Ернинг ёши, геологик жараёнлар давом этган вақт миллион йиллар билан ўлчанади. Бу вақт эраларга, эралар эса даврларга бўлиниб ўрганилади. Масалан, Ер геологик тарихининг учинчи эраси бўлган палеозой даври бундан 540 миллион йил аввал бошланиб, 290 миллион йил давом этган. Мазкур эра, ўз навбатида, кембрий, ордовик, силур, девон, тошқумир ва перм даврларига бўлинади. Қўриқхона худудидаги қатламларда уларнинг барчасидаги ҳаёт излари яққол акс этгани эътиборга моликдир.

Қўриқхонада шу каби илмий изланишлардан ташқари, наботот ва ҳайвонот оламнинг кўплаб ноёб намуналарини кўпайтириш бўйича ибратли ишлар олиб борилаётгани қувонарли ҳолдир. Бунинг самараси ўлароқ, юртимиз табиатининг камёб турлари барқарорлашиб, улар Тетис маконига гўзаллик ва тароват бахш этаётир.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Гап шундаки, шимол ва шимоли-шарқдан Зарафшон ҳамда Хисор тизма тоғлари ўраб турган ушбу худудда палеозой эрасининг деярли барча даврларига мансуб умуртқасиз денгиз ҳайвонларининг чўкинди ва метаморфик оҳақтош қатламларидан таркиб топган қолдиқлари яққол сақланиб қолган. Унда улкан динозавр излари, Юра даврида тош қотган денгиз қирпилари бус-бутун турган қояларни учратиш мумкин. Бу жаҳон стратиграфиясида фавқуллоҳда ноёб ҳодиса ҳисобланади. Шу боис қўриқхона палеозой эраси тараққиётининг тарихини ўрганиш учун энг муҳим манба сифа-

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Интилувчан ёшларимизни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу сый-харакатлар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Хабарингиз

мулоқот, фестивал, танлов, тақдирот, иходий учрашув, спорт мусобақаси шаклидаги бири-бирдан қизиқарли тадбирлар уюштирилади. Айниқса, ёшлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, менежмент ва бошқарув, кичик бизнес ҳамда

Заковатли ва иқтидорли ёшлар

Шахрисабз туманида ташкил қилинган ўқув оромгоҳидаги машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар

бор, жамғарма ташаббуси билан бир неча йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика кўрик-танлови кенг дунёқараш, билим, салоҳият ҳамда мустақил фикрга эга бўлган минглаб ёшларни муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, айтиш мумкин ҳам "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, "Фонд Форум" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг махсус грант ва стипендиялари соҳибларидан иборат иқтидорли ўғил-қизлар ёзги ўқув оромгоҳида жамулжам бўлишган.

Анъанага мувофиқ, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги "Лочин" дам олиш масканида ташкил этилган "Келажак овози — 2013" ўқув оромгоҳида ўзига хос интеллектуал беллашувлар, тренинг,

хусусий тадбиркорлик, интернет ва босма ОАВ, "Келажак лигво" — хорижий тилларни ўрганиш каби гуруҳлар таркибидagi ўқув машғулотларида фаол қатнашмоқдалар.

— Ёзги оромгоҳда иштирокчилар маданият ва санъат, бизнес ва тадбиркорлик, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, босма ва тележурналистика, иш билан таъминлаш каби бир неча йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотларда билимларини бойитдилар, — дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази лойиҳа координатори Хусан Мўқимов. — Бу йил иштирокчиларга мутахассислар томонидан ижтимоий шериклик ўрнатиш йўллари ҳақида сабоқ берилади.

М. АҲАДОВ.



Фан ва техника янгиликлари

Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан ҳавога тарқалаётган олтингурут оксидини камайтириш технологияси яратилди.

Зарар миқдори камаяди

Маълумки, турли иссиқлик қурилмаларини ишлатишда, одатда, олтингурутли ёқилгидан фойдаланилади. Оқибатда атроф-муҳитга таркибиди олтингурут оксидлари бўлган тўтун газлари тарқалади ва уларнинг совити ҳамда намлик билан бириктириш паст концентрацияли сульфат кислота-



си ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Бу эса кислотали ёмғирларни келтириб чиқаради. Натижада турли биналар, очиқ ҳолатда сақланаётган sanoat маҳсулотлари, ўсимликлар олами ҳамда сув ҳавзаларига, умуман, экологияга жиддий зиён етади.

Олимларимиз кашфиётига кўра, печь ва шу каби бошқа иссиқлик қурилмаларидан чиқаётган тўтун газлари таркибидаги олтингурут оксидлари концентрациясини камайтириш учун махсус қурилма тақлиф этилмоқда. Зотан, тўтун газларини совитиш орқали улардан ажраладиган олтингурут оксидини тутиб қолиш барча кимёвий усулларга нисбатан бирмунча афзалдир.

Мазкур янгилик геология, нефть ва газ ҳамда sanoatнинг бошқа тармоқларида қўлланилиши мумкин.

Республика онкология илмий маркази шифокор-олимлари томонидан сут бези саратонининг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлашнинг янги усули яратилди.

Ташхиснинг илғор усули

Бу орқали сут бези саратони билан касалланган беморларни даволаш самарадорлиги ортади. Яъни мазкур жараёнда ташхис натижалари касаллик кечишининг патологик хусусиятлари, унинг даражаси, прогнози, ремиссиясини ҳамда авж олиш вақтларини фарқлаш имконини беради.

Илмс РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиги ўринбосари.

Реклама ва эълонлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар, бу — сизнинг бўш пул маблағингизни нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланишидир.

Сизнинг омонатингиз:

- банк сири ҳисобланади;
- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- ўз ихтиёрингиз бўйича чекланмаган тартибда фойдалана оласиз;
- қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

«Ипотека-банк»даги омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Тел.: (8-371) 150-89-17,
(8-371) 150-89-57,
(8-371) 150-89-58.

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ИПОТЕКА БАНК

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 024 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орипов.
Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Набатчи — Ф. Шералиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОВАР
СЕРТИФИЦИРОВАН

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09,
(+99895) 177-01-17.

Узна больше на сайте www.sardor-avto.uz